

Ўзбекистон Республикаси санитария меъёrlари, қоидалари ва гигиеник нормативлари (СанКМ)


Гуруч ёрмасининг сифати ва ҳавфсизлигини  
белгиловчи гигиеник меъёrlар

СанКМ №.0108-01

Расмий нашр

Тошкент – 2001 й.

## Ўзбекистон Республикаси санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиеник нормативлари (СанҚМ)



## Гуруч ёрмасининг сифати ва ҳавфсизлигини белгиловчи гигиеник меъёrlар

СанКМ №...

Мазкур Санქтимоний Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлигини мухофаза этиш мақсадида жорий этилди.

Хужжатга амал қилиш озиқ-овқат хомащёси ва маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уларни аҳоли истеъмолига етказувчи, тегишли меъор-техник ҳужжатларни тайёрловчи муассасалар ва ташкилотлар ва аҳоли-нинг овқатланиш ҳолати юзасидан Давлат санитария назорати олиб борув-чи санитария-эпидемиология хизмати тармоқлари учун мажбурийдир.

Санქтим, мулкдорчиликнинг турларидан қатъий назар, барча юридик ва жисмоний шахслар томоидан амалга оширилиши шарт.

## Расмий нашр

## Қайта нашр этиш таъқиқланади

Тузувчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги І Тошкент  
Давлат тиббиёт интститутининг Урганч филиали (тиббиёт фанлари докто-  
ри, профессор Дўстжонов Б.О., ассисент Ким Ю.А.)

## 1. Умумий мазмун

1.1. Гуруч ёрмаси (бундан сўнг – гуруч) муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари қаторидан ўрин эгаллаган бўлиб, ўзининг озиқавий хусусиятлари билан инсоннинг овқатланиш жараёнида зътиборга сазовар роль ўйнайди. Миллий пазандачиликда гуруч асосида тайёрланадиган таомлар сероб – улар мазаси, тўйимлилиги ва шифобахшлиги билан юқори даражада баҳолангандар.

1.2. Гуруч тегишли давлат стандартининг талабларига жавоб берувчи туруч дони (шоли)ни қайта ишлаш асосида олинади.

1.3. Аҳоли истеъмолидаги гуручнинг озиқавий сифати ва инсон саломатлиги учун ҳавфсизлик кўрсаткичлари амалиётга жорий этилган тегишли гигиеник меъёр ҳужжатларнинг шарт-талабларига тўла-тўқис қониқарли жавоб бериши талаб этилади.

Мазкур ҳужжатлар республика ҳудудида етиштирилаладиган (ишлаб чиқариладиган) гуручнинг сифати ва ҳавфсизлигини кафолатловчи гигиеник меъёрларни ифодалайди.

1.4. Истеъмолчиларни гигиеник ва токсикологик жиҳатдан қониқтирувчи гуруч маҳсулотлари билан таъминлашга оид бўлган барча тадбирларни ижобий ҳал этишга Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида" Қонуни ҳамда жорийдаги тегишли меъёр ва услубий ҳужжатлар (Давлат стандартлари, санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиеник нормативлари – СанҚМ, услубий ҳужжатлар, техник шарт-шароитлар ва бошқ.) асос бўлади.

1.5. Гуручнинг (унинг тури-навидан қатъий назар) сифатли ва инсон саломатлиги учун ҳавфсиз бўлиши расмий кафолатланиши, яъни сертификацияланиши мажбурийдир.

1.6. Истеъмолга мўлжалланган гуручнинг айрим тўплари (партиялари) қабул этилган тартибда текширувдан (экспертизадан) ўтказилади ва таҳлил натижалари жорийдаги расмий ҳужжатларнинг талаблари билан таққосланиб, ижобий натижалар бўлган тақдирда, маҳсулот тупига гигиеник сертификат берилади. Фақат сертификат билан таъминланган маҳсулот сотишга (истеъмолга) руҳсат этилади.

1.7. Мазкур ҳужжатда изоҳ этилган шарт-талаблар гуручни ишлаб чиқарувчи, ташувчи, сақловчи, тарқатувчи (сотувчи), ишлатувчи барча юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига таалуқлидир.

1.8. Ҳужжатда қайд этилган ташкилий масалалар ва меъёрий талабларнинг бажарилиши юзасидан Давлат санитария назоратини уюштириш жойлардаги Давлат санитария, эпидемиология назорати марказлари (ДСЭНМ) вазифасига киради.

1.9. Мазкур СанҚМ гуручни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, тарқатиш (сотиш) билан боғлиқ бўлган барча жисмоний ва юридик шахсларга, савдо, умумий оватланиш, тегишли саноат корхоналари ва ташкилотларининг, вазирликлар ва соҳаларнинг ҳамда ДСЭНМ ходимларига етказилиши лозим.

1.10. Ҳужжат талабларига амал қилиш ва тегишли назорат кўрсатмаларини бажариш бўйича жавобгарлик айни ҳужжатнинг 1.7. ва 1.9. бандларида қайд этилган корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

1.11. Мазкур ҳужжат жорийдаги меъёр-техник ҳужжатлар, собиқ итифоқ даврида амалиётда қўйлланган санитария қоида-тартиблари ва гигиеник меъёрлар ҳамда тегишли илмий-амалий адабиёт манбаларини тахлил этиш натижалари асосида тузилди.

Ҳужжатнинг ишлаш муддати – тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 йил.

## 2. Сифат ва ҳавфсизлик мезонлари

### 2.1. Озиқавий (тур, нав) кўрсаткичлар

Гуручнинг турлари ва навларини ифодаловчи маълумотлр 1 – жадвалда кўрсатилган.

Жадвал 1

#### Гуруч турлари ва навлари

Тур	Нав	Ишлов бериш услуби ва изоҳ
Тарашланган (шлифовка қилинган)	Олий Биринчи Иккинчи	Тарашловчи дастгоҳларда қайта ишланниб тарашланган гуручнинг донлари; гул пардалари, мургак ва уруг пўстлари тўлаттўқис, алайрон қавати ва куртакнинг эса қўқ қисми олинган. Юзаси гадир-будур.
Сайқаллаштирилган (полировка қилинган)	Олий Биринчи Иккинчи	Сайқаллаштирувчи дастгоҳларда қайта ишланниб тарашланган гуруч донининг шишасимон навларидан олинган. Юзаси силлиқ, ялтироқ.
Янчилган тарашланган	Навларга бўлинмайди	Тарашланган ёки сайқаллаштирилган гуручни тайёрлаш жараёнида ҳосил бўлган янчилган гуруч магизлари; қўшимча тарашловчи дастгоҳларда ишлов берилган; диаметри 1,5 мм бўлган галвир тешикларидан ўтмайди.

## 2.2. Органолептик хусусиятлар

Гуручнинг барча турлари ва навлари қуйидаги органолептик талаблар бўйича қониқарли бўлиши лозим (жадвал 2 ).

Жадвал 2.

### Гуручнинг органолептик хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Органолептик талаблар
Ранги	Оқ, бирон ранг тусига эга бўлган айрим донлар бўлиши мумкин.
Ҳиди	Оддий (нормал) гуруч ёрмасига хос, моғол, бўрсиган ёки бошқа бегона ҳидсиз
Мазаси	Оддий гуруч ёрмасига хос, аччиқ, тахир ёки бошқа бегона мазасиз.

## 2.3. Мағиз сифати.

Гуруч мағизи қуйидаги талабларга қониқарли жавоб берishi керак (жадвал 3).

Жадвал 3

### Гуруч мағизига талаблар

Кўрсаткичлар	Тарашланган, сайқаллаштирилган			Янчилган тарашланган
	Олий нав	Биринчи нав	Иккинчи нав	
1. Сифатли мағиз, %, жумладан:	99,7	99,4	99,1	98,2
- янчилган гуруч, %, ошиқ эмас.	4,0	9,0	13,0	-
- сарғиш тусли гуруч мағизи, %, ошиқ эмас	0,5	2,0	8,0	-
- елимсимон (глубинсимон) гуруч мағизи, %, ошиқ эмас	1,0	2,0	5,0	-
- тариқнинг оқланган донлари, %, ошиқ эмас	-	-	-	2,5
2. Шоли, %, ошиқ эмас	бўлиши мумкин эмас	0,2	0,3	-

3. Бегона аралашмалар, %, ошиқ эмас, жумладан:	0,2	0,3	0,4	0,8
- маъдан аралашма, %, ошиқ эмас	0,05	0,05	0,05	0,1
- органик аралашма, %, ошиқ эмас	бўлиши мумкин эмас	0,05	0,05	0,05
4. Омбор зааркунандалари билан ифлосланниш	Бўлиши мумкин эмас			
5. Металлмагнит аралашма, 1 кг гуруч ёрмасига, ошиқ эмас	3,0	3,0	3,0	3,0

Илова: айрим металлмагнит доначаларининг узунлиги 0,3 мм дан, оғирлиги эса 0,4 мг дан ошмаслиги лозим.

#### 2.4. Гуруч ёрмасида меъёrlанадиган аралашмаларга изоҳ

Гуруч ёрмасида меъёrlанувчи турли хил аралашмаларга изоҳ 4 – жадвалда ўз ифодасини топган.

Жадвал 4 .

Аралашмаларнинг номи	Аралашмаларга изоҳ
Бегона аралашмалар:	
а) маъдан моддалар	қум, майда тош, ер (тупроқ), жилвир, руда ва тошқил (шлак) бўлакчалари
б) органик моддлар	бошоқ тангалари (қопламалари) ва гулпардалар, поялар, супургичалар, қилтанақлар бўлакчалари
в) бегона уруғлар	Барча ёввойи ва маданий ўсимликларнинг уруғлари, жумладан, тариқнинг (курмаксулуф). Оқланган тариқнинг доналари янчилган тарашланган гуручда 2,5 % дан ошиқ бўлган тақдирда назарда тутилади.
г) бузилган гуруч магизи	Чириган, моғоллаган ишлов берилган гуруч донлари, эндоспермнинг ранги оч жигаррангдан қора ранггача тус олган.
Шоли	Гулпардадан тозаланмаган гуруч донлари
Янчилган (майдаланган) гуруч	нормал магизнинг 2/3 қисмидан кам бўлган парчаланган гуруч магизи диаметри 1,5 мм бўлган галвир те-

	шикдан ўтмайди, миқдори олий навда 4%, биринчи навда 9%, иккинчи навда 13% бўлганда
Сарғайган гуруч мағизи	эндосперми турли тусда сарғайган ишлов берилган гуруч донлари, % миқдорда олий навда 0,5, биринчи навда 2,0, иккинчи навда 8,0 бўлганда
Елимсимон (глютинозсимон) гуруч мағизи	ишлов берилган елимсимон навли гуруч (синганда стеарин кўринишида), % миқдорда олий навда 1,0, биринчи навда 2,0, иккинчи навда 5,0 бўлганда

## 2.5. Намлиқ

Гуруч турлари ва навларнинг *намлиги* 15,5 % дан ошиқ булмаслиги керак. Узоқ сақланадиган ёки муддатидан илгари олиб келинадиган гуручнинг намлиги эса 14,0 % дан ошмаслиги керак.

## 2.6. Токсикологик кўрсаткичлар.

**2.6.1. Заҳарли моддалар.** Гуруч маҳсулотида заҳарли моддаларнинг, чунончи оғир металлар тузлари (қўроғошин, мис, қадмий, рух, симоб) ва маргимушнинг миқдори қатъий чегараланади. Мазкур моддаларнинг гуруч таркибидаги меъёр миқдорлари қуийдаги жадвалда ифодаланган ( жадвал 5).

Жадвал 5.

Гуруч таркибидаги заҳарли моддаларнинг  
меъёр миқдорлари

Заҳарли моддалар	қўроғошин	қадмий	симоб	мис	руҳ	маргимуш
Меъёр миқдор мг/кг, ошиқ эмас	0,5	0,1	0,03	10,0	50,0	0,2

Яъни гуруч маҳсулоти таркибида айни жадвалда қайд этилган заҳарли моддалар ҳамда микотоксинлар ва нитрозаминалар бўйича СанҚМ № 0060-90 "Озиқа хомашёси ва маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигига оид тиббий-гигиеник нормативлар" талабларига жавоб бериши лозим.

**2.6.2. Пестицидлар.** Гуруч маҳсулотида айрим пестицидларнинг қолдири миқдорлари меъёрланган ( мг/кг, ошиқ эмас), чунончи: агродрам – 0,2; базагран – 0,1; пропанид – 0,3; фашет – 0,05; магний хлорати – 0,4:

лондакс – 3,0; Гуруч таркибида бошқа пестицидларнинг қолдиқ миқдорларини бўлиши руҳсат этилмайди.

**2.6.3. Биологик текширишлар.** Биологик текширишлар озиқ-овқат маҳсулотларини (жумладан, гуруч маҳсулотларини) кимёвий-токсикологик таҳлилиниң натижаларига аниқлик киритувчи ва токсикологик кўрсаткичларни объектив равишда тўлдирувчи биологик тест булиб ҳисобланади.

Биологик тадқиқотлар умумий қабул қилинган услуб билан лаборатория (виварий) шароитида экспериментал ҳайвончалар (сичқонлар, оқаламуцлар)да ўтказилади.

Гуруч маҳсулоти биологик (экспериментал) тадқиқотларнинг натижалари бўйича токсикологик хусусиятларга эга бўлмаслиги лозим.

## 2.7. Радиологик кўрсаткичлар

2.7.1. Гуруч маҳсулот<sup>и</sup> радиологик ифлосланиш нуқтаи назардан шубҳа туғдирса, уларнинг радиологик ҳавфсизлиги аниқланиши лозим.

2.7.2. Гуруч маҳсулотларининг радиологик кўрсаткичлари СанҚМ №0060 -96 "Озиқа хомашёси ва маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигига оид тиббий-биологик талаблар, санитария меъёрлари ва гигиеник нормативлари" талабларига жавоб бериши керак.

## 2.8. Хулоса ва таклифлар

Гуруч маҳсулотини таҳлил этиш натижалари мазкур ҳужжатда ифодаланган гигиеник меъёрлар билан таққосланиб, гуручининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида тегишли хулоса ва таклифлар тузилади.